O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 3 март, чоршанба • № 18 (11.101) • Эркин нархда сотилади

# ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ — МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ, ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ!

*Ислом КАРИМОВ.*

"ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ":
**1999 йил, 27 февраль**

## ИШЧИЛАР СЎЗИ ҚАТЪИЙ

***РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида юз берган машъум террорчилик ҳаракати Бекобод шаҳрининг кўп миллатли аҳолисини ҳам қаттиқ ғазаблантирди. Каттаю кичик ҳамма бундай бедодликни қораламоқда.***

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар, қисқаси, барча меҳнат жамоаларида бўлиб ўтган ва ўтаётган йиғинлар иштирокчилари мустақилликка эришганидан кейин эркин нафас олиб, порлоқ келажак сари ишончли одим ташлаётган халқимиз бошига шундай мусибат солган, бегуноҳ фуқароларнинг ўлимига сабаб бўлган қора кучларни лаънатламоқдалар. Айни вақтда ҳаммани Президентимиз теварагига янада мустаҳкам жипслашишга даъват этмоқдалар.

Халқимиз ўз келажагини Йўлбошчимиз белгилаб берган ўзига хос, ўзига мос йўлдан бориб қурмоқда. Буни бутун жаҳон ҳам тан олмоқда. Давлатимизда биринчи навбатда халқимиз фаровонлигини оширишга қаратиб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси тобора ошиб бораётгани ғанимларимизни талвасага солмоқда. Улар тиш-тирноқлари билан бунга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Эндиликда кўзимиз очилди. Ҳа, ҳушёр, сезгир бўлайлик. Ғанимларнинг барча кирдикорларини вақтида пайқаб, фош қилайлик. Токи уларнинг шундай хатти-ҳаракатлари оқибатида болаларимиз етим қолмасин, ота-оналарнинг фарзанд доғида кўз ёшлари тўкилмасин, кексаю ёш, ҳеч ким бевақт ҳаётдан кўз юммасин.

***З. ТУРСУНҚУЛОВ,***
***«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи.***

## ОРОМИНГНИ ОГОҲЛАРИНГ ҚЎРИҚЛАЙДИ

**Бу қабоҳат яралади қалбим маним,**
**Ватанфуруш мардларга тик йўлиқмайди.**
**Аллоҳ шоҳид, энди халқим, жон Ватаним,**
**Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.**

**Одам яшар, сўз яшайди армон деган,**
**Шу ўғлингдек бўлур асли султон деган,**
**Жон керакми, жоним сенга қурбон деган,**
**Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.**

**Ўзбекистон, кўзимизда ёнган шамдир,**
**Шаҳидларинг киприклардан тушмас намдир,**
**У отамдир, у онамдир, у боламдир,**
**Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.**

**Нони қаттиқ, оши майли ёвғон бўлгай,**
**Мардлар доим юрти учун қалқон бўлгай,**
**Ким айтибди, сотқин каслар инсон бўлгай,**
**Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.**

**Биз бир эмас, бизлар юз минг, биз миллионмиз,**
**Биз ўзбекмиз, биз темурий Туркистонмиз,**
**Бизлар ҳам ҳур туғилганмиз, биз Чўлпонмиз,**
**Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.**

**Жон Ватаним, жонимизнинг чашмасисан,**
**Сен онамнинг оппоқ сочи, кўз-қошисан,**
**Миллатимнинг энг кексаси, энг ёшисан,**
**Оромингни огоҳларинг қўриқлайди.**

***Маҳмуд ТОИРОВ.***

## ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ

***ПАСТКАШ, манфур қиёфалар осуда ҳаётимизга раҳна солиш учун шум қадам ташладилар. Бегуноҳ кишиларнинг ўлими билан тугаган бу ёвузлик республикамиз, хусусан, вилоятимизнинг ҳар бир фуқаросини огоҳ этиши керак. Зеро, шу азиз Ватан, шу она юрт озодлиги йўлида хушёррок бўлайлик.***

Бундай деб таъкидлаётганимнинг боиси бор. Кейинги пайтларда ҳаммамиз ҳам маълум даражада лоқайд бўлиб қолгандекмиз, ён-атрофимизга кам назар ташлаймиз. Ўзимиздан сал наридаги қўни-қўшниникига ким келиб кетяпти, ким ижарада яшаяпти, унинг биз истиқомат қилаётган жойда паспорти қайд қилинганми, йўқми, бу билан ҳам ишимиз бўлмай қолди.

Албатта, кўпчилик каби мен ҳам истиқлол йиллари ичида эришган ютуқларимиз чиркин вужудига олов ёққан қотиллардан нафратланаман. Тарихда элига, юртига хоинлик қилганларнинг ҳоли ҳамиша вой бўлиб келган. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Ундан қабиҳ ниятли ҳеч бир кимса қочиб қутулолмайди.

Халқимиз жонажон республикамизни севади. Унинг ҳар қисм тупроғини ардоқлайди. Юрт шунчалик қад ростлаганда, ҳурлик, кўркамлик томон бўй кўрсатганда, эркин сўзини айтиш ҳар бир фуқарога насиб қилган бир пайтда, бундай ўлканинг кўксига ўқ отган оқпадарлар хор ва зор бўлиши тайин. Истиқлолимиз яшайверади, унинг келажаги буюкдир.

***Фарида АБДУЛЛАЕВА,***
***Оққўрғон туманидаги Собир Раҳимов номли маҳалла қўмитаси раиси.***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИНИШИНИ ҲАМДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИГА КЕЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

***Хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан уй-жой сотиб олиниши, шунингдек фуқароларнинг доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келиши жараёнларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Белгилаб қўйилсинки:

уй-жойни олувчи томон хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойни сотиб олиш, айирбошлаш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни техник рўйхатдан ўтказиш бюроси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш учун рухсатнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади;

уй-жойнинг эгаси ҳисобланган, яшаш жойида бўлмаган хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш ҳаражатлари учун узоқ вақт (12 ойдан ортиқ) ҳақ тўланмаган тақдирда коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг тақдимномасига кўра коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш ҳаражатларига ҳақ тўлаш юзасидан қарзларни ундириш масаласини ҳал қилиш учун уй-жой белгиланган тартибда хатлаб қўйилади;

уй-жой ҳадя қилувчининг яқин қариндоши бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш учун рухсатномага эга бўлмаган хорижий фуқароларга, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жойни ҳадя қилиш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун уй-жойнинг техник рўйхатдан ўтказиш бюроси органлари томонидан аниқланган рўйхатдан ўтказиш қийматининг 100 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

2. Белгилансинки:

хорижий фуқароларни, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ва республиканинг бошқа минтақаларидан келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказиш рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича махсус комиссиянинг асосланган хулосаси асосида амалга оширилади;

уй-жойни сотиб олувчи томон Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчилар ҳисобланганда уй-жойни сотиб олиш, айирбошлаш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни техник рўйхатдан ўтказиш бюроси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш махсус комиссиясининг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади;

ҳадя қилиш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йиғимлар ҳамда хорижий фуқароларни, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек бошқа минтақалардан келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов сифатида тушаётган маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрида қолади ҳамда уй-жой-коммунал хўжалигини, инфратузилманинг бошқа объектларини, коммуникацияларни мустаҳкамлашга ва жамоат тартибини сақлашга сарфланади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ҳафта муддатда:

мавжуд инфратузилмани ва жамоат тартибини сақлашни таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда доимий яшаши учун келиш жараёнларини тартибга солиш учун Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича махсус комиссия ташкил этсин;

хорижий фуқароларни, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов ставкаларини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг амал қилиши:

хорижий фуқаролар — дипломатик корпус ходимларига;

хорижий фуқаролар — Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг доимий ваколатхоналари ходимларига;

илгари Тошкент шаҳрида яшаган, ўқишни тугатиб қайтган, узоқ муддатли хизмат сафарида бўлган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахсларга татбиқ этилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ҳафта муддатда идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри мақоми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов ва Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 27 февраль.

## ГРЕЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 1 март куни Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир Ў.Султонов, Ташқи ишлар вазири А.Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Греция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Кипреос ҳам бор эди.

Греция Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

*(ЎзА).*

*Вилоят ҳокимлигида*

## ХАЛҚ ИЧИГА КИРАЙЛИК

**Вилоят ҳокимлигида вилоятда яшаб ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар, шаҳар ва туман газеталари муҳаррирлари, маънавият ва маърифат жамоатчилик марказларининг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда ана шу чақириқ ўртага ташланди**

БИЗ инсон онги ва дунёқарашини ўстиришда адабиётнинг — Сўзнинг кучи беқиёс эканлигини ҳеч қачон бугундагичалик ҳис қилмаганмиз. Жамиятимизда рўй бераётган мислсиз ўзгаришлар, воқеалар, интилишлар шу азиз Ватанда яшаётган ҳар бир фуқарони, шу жумладан, ижод аҳлини ҳам ҳаётга ҳар қачонгидан кўра очиқроқ кўз билан қарашга, теранроқ фикрлашга, фаолроқ бўлишга ундамоқда. Зеро, маънавияти юксак, ҳар бир жабҳада хушёр, ёзувчилари уйғоқ, маърифатли халқнинг остонасини ҳеч кимса бетакаллуф босиб ўтолмас.

16 февралда пойтахтимизда юз берган қўпорувчилик ҳаракатлари барча қатори вилоятимиз ижодкорлари ва зиёлиларини ҳам сергак торттиргани, улар юртни ёвузликлардан, ёшларни қабиҳ ишлардан, ёмон назарлардан асрашда ўз асарлари, керак бўлса, жонлари билан майдонга чиқмоққа тайёрликлари рост. Аммо, мана шу масалада шу вақтгача қилинган ишларнинг кўлами қандай эди? Бундан буён қилинадиган вазифалар, режалар нималардан иборат бўлади? Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда ана шулар ҳақида батафсил суҳбатлашиб олинди.

Учрашувни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Сўзга чиққан вилоят ёзувчилари раҳбари Шарифа Салимова, адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев, паркентлик шоир Маҳмуд Тоиров, Ўртачирчиқ туманидан Ҳамид Норқул, Барот Исроил, бекободлик Ашурали Боймуродов, Оҳангарон шаҳридан Роҳила Ҳафизова, қозоқ шоири Омарули Маҳкамбой ва бошқалар февраль воқеалари кишиларни тинчликнинг қадри ҳақида, мустақилликнинг моҳияти, лоқайдликнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Февраль воқеаларида иштирок этган кимсалар шу юртда туғилиб ўсган, шу юртнинг нон-тузини еган ўз фарзандларимиз бўлиб чиқаётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Тўғри, бу ёшлар — гуноҳкор. Аммо, гуноҳнинг каттаси — биз катталарнинг бефарқлигимиз, уларни ёвуз кимсаларнинг алдовларидан асраб қолмаганимиз, лоқайдлигимиздадир. Бундай хатоларни такрорламаслик учун биз ёзувчилар халқнинг ичига чуқурроқ кириб боришимиз, кучли маънавий-тарбиявий асарларимиз, даъватларимиз билан уларни огоҳликка чақиришимиз лозимдир.

Учрашувга якун ясар экан вилоят ҳокими У. Мирзақулов 16 февраль воқеалари халқимиз учун сабоқ бўлиши ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

— Бизнинг мустақил юртимиз, бунёдкор халқимиз Президентимиз бошчилигида буюк келажак сари дадил қадамларни ташлади. Ўтган қисқа давр ичида қўлга киритилган ютуқлар, улкан қурилишлар, мамлакатимиз қиёфасининг таниб бўлмас даражада гўзаллашиб бораётгани ва бунинг учун қанчалар меҳнат, саъй-ҳаракат сарфланаётгани ҳеч кимга сир эмас. 16 февраль воқеалари қанчалик мудҳиш бўлмасин, у бизнинг келажак йўлимизга тўсиқ бўлолмайди. Мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, ёшларни тарбиялашимиз, халқ ичига чуқуррок кириб боришимиз, улар қалбига Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, фидойилик туйғуларини сингдиришимиз лозим. Мадомики, шу Ватанни севар эканмиз, уни ҳимоя қилмоққа қодир бўлмоғимиз, чинакам ватанпарвар ёшларни тарбияламоғимиз шартдир. Бу ишнинг бошида эса сизга ўхшаган ёзувчи ва шоирлар, маърифатчилар, журналистлар туриши лозим. Зеро, Президентимиз такрор-такрор таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг бош мақсади ҳам — миллат сифатида ўзликни англашдир!

# ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

***МУСТАҚИЛЛИКНИНГ дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз маънавий баркамол авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор бердилар. Ўтган йиллар ичида ўқувчиларга бир қатор имтиёзлар яратилди. Мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бунда Президент ташаббуси билан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури алоҳида ўрин тутади. Унинг биринчи босқичи бошланиши биланоқ, мактаблар, касб-ҳунар ўқув юртларида ислоҳотлар кучайди. Ўқувчилар эгаллайдиган ихтисосликлар тури кўпайди. Буни биргина Пскент туманидаги 5-касб-ҳунар мактаби ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли бу билим даргоҳида ўқувчиларга агроном, механик, технолог, ЭҲМ оператори ихтисосликлари билан биргаликда қишлоқ учун зарур бўлган тракторчи, биолаборант, чилангар, пайвандчи, пиллакор касблари ҳам ўргатилмоқда.

Ташкил этилганига 37 йилдан ошган бу мактабда ҳозирги пайтда ёшларнинг мавжуд касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу ерда ўқувчиларнинг маънавий тарбияси, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлашга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Болалар асосий дарслар билан биргаликда адабиёт, экология, бадиий ҳаваскорлик, спорт тўгаракларида ҳам мунтазам иштирок этмоқдалар. Бу йўналишда вилоят, туман кўрик-танловларида қатор совринли ўринларни эгалладилар.

Яқинда улар Президентимизга мактуб йўллаб, мамлакатимизда ёшларнинг ўқишлари, касб эгаллашлари борасида Юртбошимиз кўрсатаётган ғамхўрликлар учун миннатдорчиликларини изҳор этиб, ўз мактубларида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилган эдилар. Ўқувчиларнинг хати эътиборсиз қолмади. Президентимиз куни-кеча уларнинг мактубларига жавоб йўллаб, эзгу тилакларини билдирдилар, ҳамда ўзлари имзо чеккан портретларини совға қилдилар.



Шу куни мактабда катта байрам бўлди. Бундай эътибордан мактаб жамоаси, айниқса, ўқувчилар беҳад қувондилар ҳамда яхши ўқишлари, фаолликлари билан Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишга ваъда бердилар.

Мактаб ўқувчиларига Президент совғасини топшириш маросимида вилоят ҳокими муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

***СУРАТДА:** мактаб синфларидан бирида.*

***Даврон АҲМАД** олган сурат.*

## ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ, ҲАМҚИШЛОҚ?...

***ЗАНГИОТА туманидаги 33-ўрта мактабда шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов билан учрашув бўлиб ўтди.***

У учрашув иштирокчиларига мамлакатимизда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишлари, ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги амалий ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берди.

— Конституциямизнинг мазмунини тўла ўзлаштирган одам ўз ҳақ-ҳуқуқи ва бурчларини англаб етади, унга бўйсунади, — деди у. — Бунинг учун энг аввало, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш даркор. Шунинг учун мактабларда Конституция асослари фани ўқитилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Учрашувда, шунингдек, туман адлия ходимлари, мактабларнинг маънавият ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ўқитувчилар иштирок этдилар.

***Ойниса ЭШОНОВА.***

*Достондан парча*

# БЕҲЗОД ВА ШИРИН

**Шоир ва таржимон Олимжон Бўриев буюк мусаввир, жаҳон тасвирий санъатида афсонани ҳақиқатга айлантириб, туб бурилиш ясаган, монийқалам рассом Камолиддин Беҳзод ҳазратлари ҳаёти тарихи ва ижодий фаолиятига доир «Беҳзод ва Ширин» ахлоқий, фалсафий-ишқий лирик достонини ёзиб тугатди. Қуйида ана шу достондан бир лавҳа ўқийсиз.**

*Хуросон мулкида соҳиби тадбир,*
*Гарчи Беҳзод эди машҳур мусаввир.*
*Бўлса-да подшоҳга хосу муқарраб,*
*Доимо дер эди, ўзинг асра Раб.*
*«Эрур шоҳга яқинлик ўту оташ»,*
*Куйиб кетмайин деб бўларди дилғаш.*
*Жоҳ аҳли талашар доим зебу зар,*
*Беҳзод қилар эди бойликдан ҳазар.*
*Ҳаргиз сақламасди ортиқча маблағ,*
*Баъзи бир одамлар титрагай дағ-дағ.*
*Ҳар не рўзғоридан бўлса гар ортиқ,*
*Беҳзод ўзгаларга қиларди тортиқ.*
*Кимнинг насибаси агар бўлса бут,*
*Сочиб, сарфлаган-ла қолмагай бекут.*
*Куч ва истеъдодин буюк санъатга,*
*Аямай сарфлаган каби ҳайрат-ла.*
*Элу улусига қалбини очиб,*
*Топган-тутганин ҳам яшарди сочиб.*
*Саройда хизматдан бўшаган маҳал,*
*Уйига йўл олар эди у жадал.*
*Минишга бўлса ҳам бир неча бедов,*
*Беҳзод юрар эди доимо яёв.*
*Йўлда қайнотаси Наққош мисоли,*
*Таниш-билишларни кўрса баҳоли,*
*Ҳол-аҳвол сўрашиб ўтарди секин,*
*Ваъда бермас эди ҳеч кимга лекин,*
*Биров муҳтож бўлиб келса умидвор,*
*Ундан аямасди ёрдамин зинҳор.*
*Холис кўнгил ила бар ҳаққи савоб,*
*Сўраган одамга айтмасди жавоб.*
*Палон илтимосинг қилдим деб бажо,*
*Миннатни ёқтирмас эди мутлақо.*
*Бошига тушса ҳам тоғдек оғир ғам,*
*Ўзи сўрамасди бировдан ёрдам,*
*«Сабр қилганларни хуш кўрар Аллоҳ»,*
*Ҳадисда айтмишлар, ҳақ Расулуллоҳ!*
*«Тарикча шуҳратга бўлсанг муяссар,*
*Сени бармоқ билан кўрсатишса гар*
*Ёмондир, башарти асраса Эгам,*
*Ғам чекма зарари йўқ эрур ҳеч ҳам.*
*Ким бўлма оламда мискинми, машҳур,*
*Сақласа Яратган бўлгайсан манзур».*
*Бир куни тушунмай тасаввуф сирин,*
*Беҳзоддан сўради қизиқиб Ширин.*
*Беҳзод жавоб берди: «Илми тасаввуф,*
*Мажозу мантиқда саналгай маъруф.*
*Тасаввуф ўзликдан кеча билишдир,*
*Ўзга фойдасига хайр иш қилишдир.*
*Ҳазрати Низомий шайхи безавол,*
*«Хамса»сидан бир байт келтирай мисол:*
*«Низомийро касеки мебарад рашк,*
*Нафас бе оҳ бошад, дида беашк —*
*Низомийга кишиким айлагай рашк,*
*Нафаси оҳсиз ўлсин, кўзи беашк».*
*Бунда «рашк» — ғанимлик, ҳасад дегани,*
*Шоирнинг нисбатан раҳмат дегани.*
*Боиси шулдирки фоний дунёда,*
*Етса бировлардан жабр зиёда,*
*Ул банда гуноҳдан бўлиб истиғфор,*
*Мангулик мулкида яшар бахтиёр.*
*Тасаввуф оламда чекиб ғам-азоб,*
*Охиратда топмак ажр ила савоб.*
*Албатта яхшилик, эзгу ният-ла,*
*Роз айтмоқ подшоҳи абадият-ла.*
*Унинг севгисию лутфи илоҳий,*
*Ердан то осмон, моҳдан то моҳий.*
*Жонзоду сайёра соҳиби қудрат,*
*Иродаси ила қилгай ҳаракат.*
*Инсоннинг Аллоҳга эҳтиром рамзи,*
*Муқаддас китобнинг ҳар калом рамзи.*
*Расули Аллоҳнинг ҳадислари ҳам,*
*Тасаввуф илмида бари эрур жам.*
*Ҳатто мен чизгувчи баъзи бир тасвир,*
*Илоҳий ганжининг рамзидир ахир.*
*Чунончи «Ризвони Фирдавс» сурати,*
*Аллоҳнинг эҳсону буюк қудрати —*
*Тасаввуф — хаёлий жаннат тимсоли,*
*Ёр бўлсин эгамнинг лутфу висоли!»*
*Ширин сўнг сўради: «Маҳдуми Жомий,*
*Бу даҳри дун аро эрур киромий!*
*Ул ҳазрат достони «Зулайхо-Юсуф»,*
*Ишқий саргузаштми ёки тасаввуф?»*
*Беҳзод бу саволдан қолса-да ҳайрон,*
*Ўйлаб жавобини қайтарди шу он:*
*«Қуръони карим»да Юсуф сураси,*
*Мухтасар янграгай Аллоҳнинг саси.*
*Андин устоз Жомий олиб иқтибос,*
*Яратмиш бетимсол бир қиссаи хос.*
*Маҳсули хаёлот бадиий асар,*
*Илоҳий китобчи эрур ҳукми шарръ!*
*Достонда бир жойда Маҳдуми Жомий,*
*Лутф этиб таралмиш шундоқ, каломи:*
*«Энг гўзал қисса деб Худо берди ном,*
*Мен унинг васфини этурман давом».*
*Ёки бу лавҳага ташлангиз назар,*
*Маънидод айларман кейин мухтасар:*
*«Тафаккур денгизи донойи даврон,*
*Муаррихлар олибон қўлга «Қуръон»,*
*Жаҳон тарихини очиб ниҳоят,*
*Этишди Одам Атодин ҳикоят.*
*Кўзин очиб анга нур берди қодир,*
*Сўгун авлодларин кўрсатди бари-бир...*
*Жамомадга назар солганда одам,*
*Кўринди эл кўзига олам-олам.*
*Кўзи тушди Юсуфга мисли бир ой,*
*На ойким, офтоби оламорой.*
*Мисоли шаъми маҳфил ул дилоро,*
*Қиёматда чароғи мажлисоро.*
*Гўзаллар наздида занги банидек,*
*Қуёш чиққанда юлдуз сўнганидек.*
*Либосини кийиб маҳбублиғдин,*
*Юз онча маҳбуб ичра хублиғдин.*
*Камоли ҳуснига етмас тасаввур,*
*Анинг васфидан ожиз ҳар тафаккур...*
*Қуёшдир манглайи — субҳи саодат,*
*Юзидан қўпгай оламда қиёмат...*
*Эрур кайвондин юксакда жойи,*
*Миср тупроғида тахту саройи.*
*Юзидан дилраболиғи аёндир.*
*Анинг рашкида куйган бир жаҳондир.*
*Ки қанча ҳусн бўлса, дилраболар,*
*Бири элга, икки унга атолар.*
*Санамларни этар шайдойу абгор,*
*Жамоли бўлса учдан бири ошкор.*
*Кейин тортиб яқинроқ сийнасига,*
*Фараҳ берди дили бекийнасиға.*
*Ўзининг меҳридан айлаб хабардор,*
*Атосидек ўпиб манглайға бир бор.*
*Ўғуллик шавқидан очилди гул-гул,*
*Дуо айлаб юзиға мисли булбул.*
*Худойим ҳар замон этгилки зоҳир,*
*Нурингдан баҳравар бўлсин эл охир.*
*Агар оламни этмассан тағайюр,*
*Фалакдан сочмагай сайёралар нур.*
*Қуёш нури самодан кетмаса гар,*
*Нужумлар шуъласи бўлмас мунаввар.*
*Чаманни кўммаса қиш чоғи қорлар,*
*Очилмас гул юзи келса баҳорлар...»*
*Достон мазмунини шарҳлади Беҳзод,*
*Ширинга дедики: «Суханвар устод,*
*Комилан яратиб чўх икки тимсол,*
*Қолдирди шуҳрати эрур безавол:*
*«Ошиқлар ичида мажнун Зулайҳо,*
*Севгида барчадан афзун Зулайҳо!*
*Қариғонича ишқдан лоф урди,*
*Шоҳу амир бўлиб ишқида юрди.*
*Кексайиб бўлганда ожиз, нотавон,*
*Гулдай ёшлигига қайтди беармон».*
*Ҳазрати Юсуф ҳам пайғамбари хос,*
*Зулайхога қўйиб охири ихлос,*
*Ани севди, ишқи эди илоҳий,*
*Бўлса-да пайғамбар гўзаллик шоҳи.*
*Зулайхо севгиси, зор илтижоси,*
*Зоҳиран кўрингай ишқи мажозий.*
*Мажозда кечолмас ўзликдан инсон,*
*Ҳамда қозонолмас мангу шуҳрат-шон.*
*Ул ишққи оламда саналгай гўзал,*
*Гар бўлса маъшуқинг маъшуқи азал.*
*Лайлию, Мажнуну, Фарҳоду, Ширин.*
*Агар таҳлил қилсак севгиси сирин.*
*Аллоҳ жамолини кўришиб ёрда,*
*Ғамдан ҳалок бўлган бу даҳри торда.*
*Ҳақиқий севгининг ўзи тасаввуф,*
*Дилни поклаб этгай инсонни маъруф.*
*Тасаввуф ғояси — покланиш айтсак,*
*Минг бор бу мавзуга агарда қайтсак,*
*Бундан ортиқ жавоб топмоқлик мушкул».*
*Шириннинг юзлари яшнаб мисли гул.*
*Беҳзод жавобидан қолиб ҳайратда.*
*Ёри севгисидан жўшиб ғайратда,*
*Қора кўзларидан чақнабон чақин.*
*Масофани этди ўзаро яқин.*

**Олимжон БЎРИЕВ.**



***Зукко элнинг боласи-да,***
***Пешонаси дўнг бўлади.***
***Қўй-қўзисин ардоқласа,***
***Иши доим ўнг бўлади.***

*Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳа.*

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

*Футбол*

## «ПАХТАКОР-79» ХОТИРА ТУРНИРИ ПЕШҚАДАМЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**ФУТБОЛ бўйича «Пахтакор-79» жамоаси хотираси учун ҳар йили ўтказилаётган турнир йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Бу турнир барча футбол жамоалари учун мавсумолди кўриги вазифасини ҳам ўтамоқда. Бу йилги мусабоқалар 4 гуруҳда ўтказилди.**

Фарғона минтақасидаги биринчи гуруҳда барча рақибларини йирик ҳисобда мағлуб этган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси, иккинчи гуруҳда эса Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси ғолиб чиқдилар. Улар ўртасида ўтказилган учрашув ҳам жуда қизиқарли ўтиб, фарғоналиклар қўқонликлар дарвозасига учта жавобсиз тўп йўллаб, ғалабани қўлга киритдилар ва ярим финалга йўлланма олдилар. Қарши шаҳрида ўтказилган гуруҳ мусобақаларида эса Қаршининг «Насаф» жамоаси 5 ўйиндан тўрттасида ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олди.

Тошкент шаҳри ва вилояти футбол майдонларида ўтказилган мусобақаларда Жиззахнинг «Суғдиёна» жамоаси (1-гуруҳ) ва пойтахтнинг «МҲСК» жамоаси ғолиб чиқди. 3-гуруҳда биринчи лиганинг «Роҳат» Қибрай жамоаси ғолиб чиқиб, чорак финалга йўлланма олди. Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси ҳам иккинчи гуруҳда армиячилардан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Куни кеча Қибрайда «Роҳат» жамоаси пойтахт армиячиларини қабул қилиб ўйинни 0:1 ҳисобида армиячиларга бой берди. «Дўстлик» эса ўз майдонида «Сўғдиёна»дан 0:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Энди хотира турнирининг ярим финалида Қаршининг «Насаф» ва пойтахтнинг «МҲСК» жамоалари, ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» ва Жиззахнинг «Суғдиёна» жамоалари учрашадилар. Ярим финал учрашувларини пойтахтимиз стадионларида ўтказилиши режалаштирилган.

***Талъат ЮСУПОВ.***

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида «Лидице-99» халқаро кўргазмаси очилди. Чехия республикаси элчихонаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Маданият ишлари вазирлиги биргаликда ташкил этган ва тадбирда академия тасарруфидаги барча тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатлари, шунингдек, халқ таълими вазирлигига қарашли ўқувчиларнинг юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Чехия республикасининг Лидице қишлоғи фашистлар томонидан батамом яксон қилинган эди. Шу боис мамлакат пойтахти Прага шаҳрида ана шу қишлоқ хотирасига бағишлаб ҳар йили болалар ижодиёти халқаро кўргазмасини ташкил этиш анъанага айланган. Ўтган йили кўргазмада жаҳоннинг етмиш мамлакати иштирок этиб, хайъат аъзолари улардан ўн мингдан ортиқ расм қабул қилиб олганди. Ўзбекистонлик ёш рассомлар бу нуфузли тадбирда 1994 йилдан бери қатнашиб келмоқда. Ҳамюртларимиз Нури Исломов ва Фарҳод Собитов кўргазманинг ўтган йилги совриндорларидир.

ЮНЕСКО бу йилни қариялар йили деб эълон қилган. Шунинг учун ҳам ёш ҳамюртларимизнинг мазкур кўргазмаси «Менинг бобом ва бувим» мавзусига бағишланди. Кўргазма бир ҳафта давом этади. Сўнгра барча асарлар Чехия пойтахтига — халқаро кўргазма жюрисига юборилади. Тадбир натижаси апрель ойида маълум бўлади. Ғолиблар кўргазманинг «Роза Лидице» соврини билан тақдирланади.

***М. ОДИЛОВА (ЎзА).***

*Ҳар тўғрида*

### АЁЛ ҚУЛОҚЛАРИ СЕЗГИР ЭКАН

Аёллар қулоғининг эшитиш қобилияти эркакларникидан устун тураркан. Шу масалада тадқиқотлар олиб борган америкалик олимлари шундай хулосага келдилар, деб ёзади Олмонияда нашр этиладиган «Бильд» газетаси.

Инсониятнинг гўзал ярмини ташкил этган хотин-қизлар тўла сокинликда жуда паст овозни эркакларга нисбатан анча яхши эшитадилар, деб исботладилар тадқиқотчилар. Бу улардаги гормон даражаси билан изоҳланади. Зероки, аёллар ибтидоий даврдаёқ ёввойи ҳайвон яқинлашиб келаётганлигини эркакларга нисбатан анча барвақт сезишган ва билишган.

*Кўкатлардан фойдаланишни биласизми?*

### ЛАВЛАГИ ШИННИСИ

Хонадонингизда шакар ва шакар маҳсулотлари бироз танқис бўлиб қолдими? Унда ўз оилангизни ота-боболаримиз турмушда кенг қўллаб келган, энг арзон, одам танасига шакарга нисбатан кўпроқ қувват берадиган қанд лавлаги қиёми билан таъминлашингиз мумкин. Буни тайёрлаш учун қанд лавлаги тоза ювилиб, пўсти юпқа қилиб арчилади ва палов сабзиси каби тўғралади. Катта қозонга солиб устидан лавлагига нисбатан кўпроқ миқдорда сув қўйилади. Кейин олов ёқилиб, ўрта даражада қайнатилади, токи, лавлагининг барча шакари сувга чиқсин. Қозондаги қайнатма сувни алоҳида тоза докада сузиб олинади. Ва сузиб олинган шакарли сув яна қайнатилади. Ортиқча сув буғланиб қозон остига қуюқ, ранги оч қўнғир, жуда ширин, тилни ёрар лавлаги қиёми ёки халқ тили билан айтганда «шинни» тайёр бўлади.

Абу Али ибн Синодан қолган маълумотларга қараганда, лавлаги қиёми одам танасини шакар моддалари билан бойитади, қувватини оширади ва меъда фаолиятини яхшилайди.

«ТОШВИЛОЯТГАЗ» ОГОҲЛАНТИРАДИ

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ГАЗ!

Рўзғорда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун газдан фойдаланишнинг асосий талабларини эслатиб ўтамиз:

Уй-жойларни газлаштириш, газ анжомларини қайта ўрнатиш ва қўшимча ўрнатиш фақат истиқомат қилиш жойи бўйича шаҳар (туман) газлаштириш идоралари орқали тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш билан амалга оширилиши лозим.

Диққат: газлаштирилган уй-жойларни, айрим газ анжомларини газ таъминлаш тизимига ўзбошимчалик билан улаш қатъиян ман қилинади.

Ностандарт ва носоз газ анжомларини ишлатиш, газдан шланглар улаш орқали фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Ўзбошимчалик билан қилинган ҳатти-ҳаракатлар портлашларга, ёнғинларга, бахтсиз ҳодисаларга олиб келишини эсдан чиқарманг.

Ёниб турган газ анжомларини назоратсиз қолдирманг. Эҳтимол авариялар оқибатида газ узатиш тўхтатилган ҳолларда хоналар газга тўлиб қолади.

Ёш болаларни ва ўқитилмаган шахсларни газ анжомларидан фойдаланишига йўл қўйманг.

Сув иситгичлар ишга туширилишидан олдин ҳамда тўхтатилганидан кейин уларнинг дудбўронларида ҳаво тортилишини текшириб кўришни унутманг.

Газ плитасидан фойдаланишда қуйидагиларни эсда сақланг.

— ёнғинни фақат унга ёқилган гугуртни яқинлаштиргандан кейин ишга туширинг:

— духовка ёнғичи ўчиб қолса, уни қайта ёқиш учун яхшилаб шамоллатинг;

— плита устида кир қуритманг.

Баллонли газ қурилмасидан фойдаланишда босим ва бирлаштирувчи шлангларнинг созлиги устидан назорат қилиб туринг. Газ баллонларини қонунсиз йўл билан сотиб олманг. Чунки, бундай баллонларнинг фойдаланиш учун яроқлилиги ҳақида кафолати йўқ. Баллонларни қуёш остида ва ўт манбалари яқинида сақламанг.

Газ баллонларидан кўп қаватли иморатларда фойдаланиш ва сақлаш қатъиян ман этилади.

Газ ҳидини сезган заҳоти газ анжомлари олдидаги ва ундан юқоридаги жўмракларни беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ёқгичлардан, очиқ ўтдан фойдаланманг, дарҳол шаҳар ва туман газ идораларининг авария-диспетчерлик хизматларига хабар қилинг.

Газ анжомларидан хавфсиз фойдаланиш талабларига қатъий амал қилиш сизнинг уйингизда бахтсиз ҳодисаларнинг бўлмаслигига олиб келади, деб ишонч билдирамиз.

***«ТОШВИЛОЯТГАЗ» БОШҚАРМАСИ.***

*Об-ҳаво*

РЕСПУБЛИКА обҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 3-7 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида обҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Тоғли ҳудудларга эса қор тушиши мумкин. Ҳарорат кечалари 0-5 даража, кундуз кунлари эса, 5-16 даража илиқ бўлиши кутилади.

Тошкент вилояти
«Дори дармон» Давлат акционерлик бирлашмасининг
1998 йил якунлари бўйича йиллик ҳисобот мажлиси

1999 йил 6 апрель куни соат 10.00да бирлашманинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 1998 йил якуни бўйича Бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Бирлашма тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Бирлашма фойдасининг тақсимланиши.
4. Бирлашма фаолиятига тааллуқли турли масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Тошкент шаҳар, Шайҳонтоҳур туманидаги «NUH» хусусий фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Тел: 42-43-96.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси «Тошкентавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси бошқарув раиси Баҳром Ураловга онаси
**УРАЛОВА Юлдуз аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0180 Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.580 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6